



Акмал АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторанти

[akmalabdullaev713@gmail.com](mailto:akmalabdullaev713@gmail.com)

ЖДПИ ф.ф.д. (PhD) доц. Ш.И.Сиддикова таҳрири остида

## REPRODUCTION OF NATIONAL AND CULTURAL SIGNS IN THE NAMES OF PLACES (ON THE EXAMPLE OF TOPOONYMS OF TASHKENT REGION)

### Abstract

The article discusses the need for a linguocultural approach to the linguistic study of place names from an anthropocentric perspective. Theoretical considerations on the connection between language and culture by focusing on extralinguistic aspects of the content campus of famous horses in toponymic research are presented on the example of toponyms of Tashkent region.

**Key words:** onomastic units, anthropocentric approach, toponymy, topspace, ethnotononym, anthroponym, positivity, lingvoculturema.

## ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И КУЛЬТУРНЫХ ЗНАКОВ В НАЗВАНИЯХ МЕСТ (НА ПРИМЕРЕ ТОПОНИМ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)

### Аннотация

В статье обсуждается необходимость лингвокультурологического подхода к лингвистическому изучению географических названий с антропоцентрической точки зрения. Теоретические соображения о связи языка и культуры с акцентом на экстралингвистические аспекты содержания кампуса имени собственных в топонимических исследованиях представлены на примере топонимов Ташкентской области.

**Ключевые слова:** ономастические единицы, антропоцентрический подход, топонимия, топопространство, этнотопоним, антропоним, позитивность, лингвокультура.

## ЖОЙ НОМЛАРИДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БЕЛГИЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ МИСОЛИДА)

### Аннотация

Мақолада жой номларининг лисоний тадқиқига антропоцентрик нұқтаи назаридан лингвомаданий аспектда ёндашувнинг зарурати ҳақидағи фикрлар ёритилған. Топонимик тадқиқоттарда атоқли отларнинг мазмун кампусидаги экстралингвистик жиҳатларга әндибиор қараташ орқали тил ва маданият ўртасидаги боғлиқ жиҳатларни ёритиш ҳақидағи назарий мулохазалар Тошкент вилояти топонимлари мисолида баён қилинған.

**Калит сўзлар:** ономастик бирликлар, антропоцентрик ёндашув, топонимика, топомакон, этнотопоним, антропоним, позитивлик, лингвокультуре ма.

**Кириш.** Жаҳон тилшүнослиги, шу каторда, ўзбек тилшүнослигига ҳам бугунги кунда ономастик бирликларининг лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ этиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Әндибиор этиши лозимки, дунё тилшүнослигига XX аср охиридан бошлаб тилни антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этиши алоҳида аҳамият касб этиб, тил бирликлари саналиши топонимлар атоқли жой номлари сифатида нафақат ономастик кўламда, балки тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликини кузатиш имконини берувчи тилшүносликнинг анча янги ва долзарб йўналиши бўлған лингвомаданиятшуносликнинг ҳам тадқиқот объектларидан бирига айланмоқда.

Топонимика – лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларни бирлаштирган, мураккаб маъно тузилишига эга бўлған географик объектларнинг атоқли номларидир. Шу жиҳатдан караганда, Тошкент вилояти ўз топонимиясида бу ерда асрлар давомида яшаб келган ва ҳозир ҳам яшаб келаётган этник гурухларнинг лингвомаданиятни қамраб олган.

Асосий қисм. Ўзбек тилшүнослигига ўтган асрда ҳам Тошкент вилояти топонимикасини тадқиқ қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Худуднинг топонимлари тадқиқига бағишлиланган диссертациялар ёқланган, монография, лугатлар яратилган. Ушбу ишларнинг амалга оширилишида заҳматкаш

олимларимиздан Т. Эназаров [1], С. Қораев [2], М. Рамазонова [3], Т. Нафасов [4], Ш.Қодирова [5], А. Мұхаммаджонов [6], К. Шониёзовлар [7] муносиб хисса кўшганлигини әндибиор этмогимиз керак. Бироқ, Тошкент вилояти топонимлари антропоцентрик нұқтаи назардан лингвомаданий аспектда маҳсус илмий тадқиқ килинмаган.

Атоқли отлар тизимини топонимика материаллари асосида ўрганиш ўзбек тили тарихи, тарихий лексикологияси ва грамматикасининг баъзи мухим масалаларини ҳал қилишда, шунингдек, ўзбек халқининг этник келиб чиқиши, ург-қабила силсиласи, урфодатлари ва унинг бошқа халқлар билан бўлған маданий-иктисодий муносабатларини ёритишда ҳам катта аҳамият касб этади [8, 2].

Ҳар бир халқ, ҳар бир этник гуруҳ ҳар қайси даврда ўз ономастик бирликларига, яъни атоқли отлар рўйхатига эга бўлади. Топонимлар ана шу рўйхатдан мустаҳкам ўрин олган онималардан бири ҳисобланади. Топонимлар, яъни жой номлари ўзида маълум бир лингвомаданиятга хос тарихий ва ижтимоий ҳодисалар, маданий, табиий-даврий генезислар, диний-мифологик қарашлари билан боғлиқ бўлған ахборотни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу факторлар жой номларига нисбатан факатгина географик объект номини билдирувчи топонимик атама сифатида эмас, балки унга тегиши

бўлган ономастиконда истиқомат қилувчи халқнинг турли даврларга хос бўлган тарихий-маданий этногенезисини акс эттирувчи маданий ахборот “коди” сифатида қараш лозимлигини англатади. Зеро, ҳар бир ҳудуд халқ менталитети ва маданиятининг ўзига хос, қайсиридан маънода, “беркиниб ётган” хусусиятларини сақлайдиган ўзига хос топомакондир [9, 5].

Лингвомаданиятшунослик объекти сифатида топонимлар – миллий-маданий жиҳатдан маркерланган тил бирлклари хисобланади.

Лингвомаданиятшунослик ва оламнинг миллий манзараси назарияси нуктаи назаридан топоним ўзига хос лингвокультуре мани, яъни “шакл ва мазмун (лисоний маъно ва маданий фон, ореол)ни бирлаштириб турувчи даражалараро бирлик бўлиб, лисоний ва нолисоний мазмуннинг диалектик яхлитлигини ўзида намоён этади” [10, 34-45]. Антропоцентрик нуктаи назаридан лингвокультуре манинг лисоний ва нолисоний семантик мундарижасида у ёки бу тил соҳибининг миллий маданияти, ўзига хос дунёкашини ўз ичига олган маданий ахборот мажмуюи мужассамлашган бўлади. Тадқиқотчи олим С.Аноркулов топонимларни тадқиқ килишининг лингвомаданий жиҳатларини “Жой номларининг мазкур халқ маданий семантикаси, маданий коди билан ўзаро таъсир механизмларини тадқиқ килиш ва тавсифлашдан иборат. Топонимлар муайян лингвокультурологик жамиятнинг стереотипларини очиб беришига ёрдам беради, чунончи шаффоғ этимологияга эга бўлган исталган географик ном нафакат этноснинг худудий, табиий-географик, тарихий ўзига хослигини, балки унинг психик хусусиятларини, тафаккури ва бошқаларни ҳам акс эттиради [11, 14], - дея изохлади. Рус топонимисти В.Никонов таъкидлаганидек, “топонимлар тил ва маданият соҳиблари фонли билимларининг ажралмас қисми ва уларда халқ тарихи, мазкур худудга жойлашиши ва уни ўзлаштириши кўзгудагидек акс этади” [12, 14]. Топонимик тизим эса, унга интеграциялашган этноснинг тарихий, ижтимоий, лингвистик ва этник-маданий хусусиятларини вербал шаклда акс эттиради. Шу нуктаи назардан, Тошкент ареалидаги топонимлар ҳам ушбу худудда тарихан шаклланган халқларнинг ўзига хос “шифранган маданий коди”дир.

Топонимика тарихидан маълумки, кадимдан одамларнинг жойларга ном беришидан кўзлаган мақсади уни бошка шу каби географик худуддан ажратиб, алоҳидалаш ва шу орқали ориентирлаш бўлган. Инсоният тарихининг маълум даврларида инсонлар жамоасининг табиат ҳодисалари олдиаги ожизлиги унда диний-мифологик тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келган ва мазкур туйғу ҳамда дастлабки диний эътиқод шакллари натижаси ўлароқ, бу кечинмалар уларнинг жой номларини номлашида ҳам акс эта бошлаган.

Ушбу худуднинг топонимик манзарасига кўз ташлаганда ҳам аҳолининг диний-мифологик қарашларини акс эттирувчи кўплаб жой номлари борлигини кўриш мумкин. Масалан, Хўжакент, Нанай, Бурчмулла, Шаҳидон, Шайх Умар Валий Богоистоний зиёратгохи, Кўк тўни ота қабри (Бўстонлик тумани); Фаркат, Парпата ота зиёратгохи, Ҳазрати Али бува зиёратгохи (Паркент тумани); Троицк (христиан динида ота, ўғил ва муқаддас рух учлиги – “Троица”ни англатувчи атаманинг ўзгарган шакли, Чирчиқ шаҳар); Оқ-қовоқ ота зиёратгохи (Қиброй тумани) в.х.к. Мазкур агиотопонимлар диний эътиқод (анимистик, тотемистик, монотеистик), ибодатхона иншоотлари (масжид, хонақоҳ, черков), руҳонийлар ва диний уламолар мавкеи, муқаддас жойлар тўғрисида когнитив ахборотни ўзида акс эттиради ва авлоддан авлодга узатади.

Ўзбек тилида мукаддас жойлар, зиёрат масканларини белгилаш лисоний маркери сифатида авлиё, ота, ҳазрат лексемалари, ибодат жойларини белгиловчи лисоний маркерлар сифатида эса мачит, масжид лексемалари қатнашади.

Худудда диний маркерланган топонимларнинг мавжудлиги куйидаги факторлар билан белгиланган: а) ижтимоий-сийесий факторлар билан боғлиқ ҳолда Ўта Осиёда зардӯштийлик, ислом ва христианлик динининг тарқалиши; б) диндорлар, авлиёлар ва маҳаллий аҳоли томонидан турли обьектлар (кўргон ва тепаликлар, тог ва тошлар, ўрмон ва алоҳида дараҳтлар, дарёлар, сойлар ва булоклар, авлиё зотлар ва руҳонийлар, машҳур инсонларнинг қабрлари)ни муқаддас билиш ва зиёрат этиш; в) бевосита диний маросимлар ўтказиладиган, ислом динини тарғиб килишга мўлжалланган обьект номлари.

Худуддаги агиотопонимлар ва экклезионимлар жамиятнинг маълум бир даврдаги диний-мифологик ҳаёти, эътиқодлари, дин ва конфесиялар алмашинувини, зардӯштийлик, христианлик ва исломнинг тарқалиши ҳақида маълумотларни ўзида акс эттиради.

Тошкент ареалидаги кўплаб топонимлар ўз семантижасида тарихий характерга эга бўлган лингвомаданий концептосферани акс эттиради. Худуднинг тарихий характерга эга билим тузилмаларни акс эттирувчи топонимларни, шартли равища, икки гурухга ажратиш мумкин:

- 1) антропотопонимлар, яъни антропонимлардан хосил бўлган жой номлари. Бўстонлик туманида Афлотун, Искандар, Юсуфхона каби қишлоқларнинг номларида антропонимлар транспозицияга учраб [13, 29] антротопонимларга кўчган.

- 2) этнотопонимлар, этник бирлашмалар (уруглар, қабилалар, элатлар,) номларидан хосил бўлган топонимлар. Масалан, туман номи сифатида истилоҳда бўлган Қиброй топоними тарихий этимологиясига кўра козоқларнинг дулат қабиласининг Бир уруғи қибирай деб аталган. Бу уруғ вакиллари афсонавий Қибирай ботирдан тарқаган экан (қозоқ этнографи Садир Садирбековнинг 1994 йилда “Ўзбекистон” нашриётида қозоқ тилида босилган “Қозоқ шажараси” китобида шу ҳақда гап боради). Мазкур тумандаги Қодирия қишлоғи топоними ислом тарикати илми асосчиларидан бири шайх Абдулқодир Гilonий (XI—XII асрлар) билан боғлиқ. У асос солган тасаввуф тарикати ал-қодирия, шу тарикат мухлиси эса қодирлик дейилган. Қодирия қишлоғи Қодирлик деб ҳам аталади [14, 148].

Тарихий-маданий ахборот манбаини ўзида жамлаган топоним турларидан яна бири бу – этнотопонимлардир. Тошкент ареали этномаданий киёфасининг шаклланиши бевосита мазкур худудда истиқомат қилиб келаётган аҳолининг этномаданий шаклланиши билан боғлиқдир. Тошкент вилояти топонимиясининг характерли хусусияти шундаки, бу минтақада этнотопонимлар анчагина учрайди. Бу минтақада яшаган этник гурухларнинг аксарияти вақт ўтиши билан турғунлашиб, этник номларини унутганлар. Лекин уларнинг номлари жой номлари – этнотопонимлар сифатида бизгача сақланиб қолган [14, 126]. Аппак, Арғин, Ағанай, Аранчи, Бўка, Жалоир, Дурет, Керовчи, Кучак, Кўкмўйин, Кўксарой, Мамут, Муратали, Мўғул, Найман, Оқковоқ, Парчаюз, Рамадон, Сазбака, Саритамғали, Телов, Тейит, Тўқбой, Увок, Унгут, Учбов, Үювли, Чалдар, Чаноқ, Чувалачи, Чувуллоқ, Юзурук, Ўймовут, Ўртабўз, Ўчокли, Ўйувли, Корахитой, Коракўйли ва бошқалар шулар шумасидандир.

Профессор К. Шониёзов қора, кизил, кўк, сарик, оқ каби этник номларнинг тасодифан юзага келмаганлигини

айтиб, қуидагиларни ёзади: “Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шаркни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни ифодалаган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусиға кириб, вакт ўтиши билан томон номлари (ранг номлари) этномим бўлиб қолган [15, 145-146].

Этнотопонимлар ўз семантик корпусида қабила ва эзлатлар кўчиши ва ўтроклашиши, миграциялар йўналиши хамда қабилаларнинг этниклараро алокалари ҳақидаги кимматли тарихий-этногенетик ахборотларни саклаши билан алоҳида лингвомаданий характерга эга.

Семантик мазмун кампүсидаги экстравингвистик табиатига кўра, топонимларнинг кўпчилиги ўзида маълум ҳудудлар ҳақидаги табиий-географик билимлар структурасини акс эттиради. Табиий-географик билимлар структурасини акс эттирувчи топонимлар ушбу ҳудуд флораси ва фаунасини, рельеф ва ландшафт, тупроқ ва қазилмалар бойлигини, шунингдек, табиати ходисаларини ифодаловчи семантик белгиларга эга бўлади. Мазкур белгиларга эга топонимлар ўтмишда аҳоли тоғли ҳудудларда (инсонлар дастлаб тоғли ҳудудларда яшаганлиги тарихий-археологик манбалар орқали бизга маълум – таъкид бизники, А.А.) у ёки бу ҳудуднинг рельефини, ландшафтини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини номлаб мўлжал олганидан далолат беради.

Масалан, мазкур ҳудуддаги кўплаб топонимлар қуидагилар ҳақида ахборот беради:

а) ҳудудда ўсадиган мевали дараҳтлар, буталар, сабзвотлар, хушбуй ўсимликлар ҳақидаги: Арчали, Теракли, Яккалиста, Яккатут, Арчазор, Чинорқишлоқ, Гулистон, Бодомзор, Қўшёнғоқ, Фижол, Чимён, Чорбог, Узумзор, Ўрикбел, Гулбоғ, Ковардон, Майдонтол.

б) тупроқ ва фойдали қазилмалар: Заркент, Кумушкон, Олтинбел, Сижжак, Қизилтоғ, Биском (Пском). Тошкент ареали томонимларида “тепа”, “сой”, “кент” компонентли топонимлар кенг тарқалган: Бўзғонтепа, Тўқайтепа, Яланғочтепа, Довултепа, Олтингтепа, Эскиқурғонтепа, Товқаттепа, Шўртепа, Кулокчинтепа, Елақдатитепа, Бўритепа, Кўктепа, Олтинбелсој, Оқбулоқсој, Хорликсој, Кўчқақсој, Чангисој, Сариқмайдонсој, Шавкатсој, Сумчасој, Заркентсој, Санганаксој, Ахмансој, Угамсој, Оқтошсој, Кулпоксој, Гаухансој, Кураксој, Кўмсараксој, Чавлисој, Сўқоқсој, Фазалкент, Пискент, Паркент, Хўжакент, Заркент, Кумушкент.

в) ҳайвонот олами ва қушлар: Лайлак, Такали, Кўйлиқота, Қўнғирбука, Қорақушона.

г) объектларнинг ҳажми, шакли, ранги ва жойлашуви ҳақида маълумот берувчи топонимлар. Ушбу

ходиса ҳам Тошкент воҳасида кўпроқ тарқалган: Еттикент, Корамозор, Корабулоқ, Қоратутгиши, Товоқсој, Қораманас, Бошқизилсој, Оқбулоқ, Оқтош, Оқтепа, Оққўргон, Красногорск (Қизилтоғ), Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Кўйи Чирчиқ, Чукурсој.

Топонимларнинг номланиш тамойиллари орасида позитивлик тамойили ҳам ўзига хос ўринга эга. «Позитивлик бу топонимларда географик реалликнинг акс этиши» [16, 35] бўлиб, бу тип топонимлар объектнинг физик-географик хусусиятлари тўғрисида, яъни шу ернинг рельефи, ўсимликлар дунёси, тупроғи ва унинг хусусияти қабилар ҳақида муҳим маълумот беради. Кўчманчилик билан кун кўрган чорвадор ҳалқ, албатта, шу жойларнинг ўсимлик дунёси билан қизиккан ва бу белги жойларни фарқлашда бирламчи ўринда бўлган. Дехқончилик билан шугууланувчи ҳалқ, шубҳасиз, ўзи яшайдиган жойнинг тупроғи, унинг ўзига хос томонлари билан қизиккан. Бу омиллар мазкур объектни номлаш учун асос бўлган. Бундан ташқари, топонимлар номинациясида позитивлик нафақат объектнинг геоморфологик хусусияти, объектнинг шакли, кўлами; объектнинг ўсимликлар дунёсига, балки номга асос бўлган дифференциал белгининг сон-саноғи, обьектга боғлиқ бирор воқеа-ходиса, шу ҳудудда яшовчи ҳалқнинг машгулоти ва қасб-хунари, топонимик индикаторларнинг асос бўлиши каби иктисодий-ижтимоий омилларга ҳам асосланади [13, 29].

**ХУЛОСА.** Лингвомаданий призмадан назар солганда, тилда маданий қадриятлар ўз ифодасини топганилиги намоён бўлади. Бундан ташқари, тилда миллиятнинг ўз-ўзини англаши, миллий тарихи ва маданияти ҳамда дунёнинг миллий манзараси мужассамлашади. Топонимлар семантикасининг миллий-маданий компоненти алоҳида минтақавий вакиллик, маданий ва тарихий бирлашмаларнинг бойлиги билан ажралиб туради [17, 5]. Шу жиҳатдан қараганда, топонимлар ўзининг семантик доирасида нафақат географик, балки маданий-тарихий, миллий-этник маънозмун тарқатувчи ахборот воситаси ҳисобланади.

Тошкент воҳаси топонимларни тўплаш, уни тизимли таҳлил ва тадқиқ этиш ўзбек тилидаги атоқли отлар тизимишининг шаклланиш босқичлари хусусида кимматли маълумотлар берибгина қолмай, ҳалкимиз тарихи, этногенезиси, урф-одатлари, турмуш тарзи, мазкур ареал жўғроғияси ва археологияси, шунингдек, маънавиятимиз сарчашмалари ҳақида кенг қамровли изланишлар олиб боришга асос бўла олади. Ҳалкимиз тарихи, тақдири ва турмуш тарзининг ўзига хос индикатори ҳисобланган жой номлари аждодларимиз тафаккурининг бебаҳо ёдгорлиги, ўзбек маънавияти ҳазинасини асрлар давомида бойитиб келган лингвокультурema саналади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: лугавий асослари ва этимологик тадқики йўллари. Фил.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. –Б. 246.
2. С.Қораев. Тошкент топонимлари: Тошкент, Шопайзиқулоқ, Бўржар, Дархонариқ, Арпапоя, Эскижўва, Чакар, Соғон. «Мехнат ва турмуш», 1972, №9, 23 б. ; С.Қораев. Тошкент топонимлари. Тошкент «Фан», 1991. ; С.К.Караев. Топонимы Тошкента. «Звезда Востока», Ташкент, 1985, №10, 155-159 б.
3. Рамазонова М.Н. Развитие ойконимии Ташкентской области в советский период: диссертация... кандидата филологических наук: 10.02.02. - Ташкент, 1986. - 283 с. ; М.Н.Рамазонова. О словаре топонимов Ташкентской области. Сборник научных трудов Ташкентского университета. 1980, №629, 90-93 б.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳи лугати. – Тошкент, 1988.
5. Ш.Қодирова. Тошкент микротопонимиясининг этимологик характеристикаси. «Ўзбек тили ва адабиёти», Тошкент, 1969, №3, 56-59 б. ; Ш.М.Қадирова. Микротопоними Ташкента. АҚД (Институт языка и литературы им. А.С.Пушкина). Ташкент, 1970.
6. А.Муҳаммаджонов. Тошкентнинг қадимий номлари. «Фан ва турмуш», 1982, №12, 7 б.
7. К.Ш.Шаниязов. Об историческом топониме Ташкента. Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1982, №7, 34-40 б.

8. Атажонова А.Ж. Хоразм воҳасидаги этнотопонимларнинг аталиш мотивларига кўра турлари. // Фан, таълим ва амалиёт интеграцияси электрон журнали. 2021., №5, 2-жилд. 98 б.
9. Давлеткулова Л.Н. Топонимы в лингвокультурологическом аспекте (на примере географических названий графства Оксфордшир и Челябинской области). кан. дисс. фил. наук. Челябинск 2014. –С. 220.
10. Воробьёв В. В. Лингвокультурология. (теория и методы) – М.: Академия, 2008. – С.34; - С.45
11. Аноркулов С. И. Немис ва ўзбек тилларидаги топонимларнинг лингвокогнитив аспекти: филол. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореферати. Самарқанд – 2021. –Б.60.
12. Никонов В. А. Введение в топонимику. Изд. 2-е. - М.: ЛКИ, 2011.- С.184; Томахин Г.Д. Топонимы как реалии языка и культуры // Вопросы языкоznания, 1984. №4. – С.84.
13. Юлдашев Д.Т. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи. Фил. фанлари докт. (DSc) дисс.автореферати. Тошкент. 2021. –Б.75.
14. Qorayev S. Toponimika. Т.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”, 2006. – 318 b.
15. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. –Т.: Фан, 1990. –Б 197.
16. Мурзаев, Э. М. География в названиях [Текст] / Э. М. Мурзаев. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Наука, 1982. – 176 с., ил. – (серия «Планета Земля и Вселенная»).
17. Молчановский В.В. Лингвострановедческий потенциал топонимической лексики русского языка и его учебно-лексикографическая интерпретация. Дисс.канд.педагог.наук.– М., 1984. - 201с.